БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№84 (229) 2018 йил 26 октябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИМЁ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Минерал ўғитларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, кимё саноати корхоналарининг қарздорликларини реструктуризация қилиш юзасидан кўрилган чоралар уларни молиявий соғломлаштиришга ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширишга имкон берди.

Шу билан бирга, кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, инвестициявий жозибадорликнинг пастлиги ва тармоқни ривожлантириш учун ўз маблағларининг етарли эмаслиги хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий қилиш имконини бермаяпти, бунинг оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда минерал ўғитлар улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида жаҳон кимё саноати ривожланишининг тенденцияларини ва республиканинг муҳим хомашё салоҳиятини ҳисобга олувчи фундаментал илмий база ва замонавий лойиҳа-инжиниринг ишланмалари мавжуд эмас.

Кимё тармоғини янада диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, етакчи хорижий институтларни жалб қилган ҳолда замонавий илмий ва лойиҳа базасини яратиш, шунингдек, «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида:

1. **Республика кимё тармоғини янада ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:**

углеводород хомашёсини ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида иқтисодиёт тармоқларида ва жаҳон бозорида талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли кимё маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш;

республиканинг минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилиш;

кимё саноати корхоналарининг устав капиталида давлат иштирокини қисқартириш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тармоқ корхоналари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали базавий маҳсулотларни қайта ишлашни чуқурлаштириш;

фанни ва соҳавий илмий тадқиқотларни фаол ривожлантириш, шунингдек, биринчи навбатда, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга қаратилган илғор илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш;

лойиҳа-инжиниринг ишлари ва диагностика тадқиқотлари сифатини ошириш, кимё ва кимё технологияларининг барча йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш.

2. 2018-2030 йилларда кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни **4,5 баробарга**, шу жумладан, минерал ўғитларни – **2 баробарга** (1,2 миллион тоннадан 2,4 миллион тоннагача), маҳсулотлар экспортини – **4 баробарга** ошириш, шунингдек, органик кимё маҳсулотлари улушини 7 фоиздан 54 фоизгача етказиш орқали тармоқни диверсификация қилишни назарда тутувчи **«Ўзкимёсаноат» АЖ фаолиятида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, базавий маҳсулотларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унга кўра:

а) **қисқа муддатда** (2018-2020 йилларда):

«Аммофос-Максам» АЖда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ҳисобига фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини 20,0 минг тоннага ошириш (100 фоиз соф ҳолда);

«Навоийазот» АЖда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол;

«Навоийазот» АЖда йилига 500 минг тонна азот кислотаси;

«Навоийазот» АЖда йилига 660 минг тонна аммиак, 577,5 минг тонна карбамид;

«Фарғонаазот» АЖда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда йилига 7,8 миллион дона замонавий полимер обойлар;

«Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» инвестициявий лойиҳаси (II босқич) доирасида тоғ-кон мажмуаси лойиҳа ҳажмларида **ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;**

б) кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришни ошириш, органик кимё, шу жумладан, полимер маҳсулотлар, синтетик толалар, резинотехника ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган **ўрта ва узоқ муддатларда истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш** (2030 йилгача).

Бунда мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда янги қайта ишлаш қувватларини яратишга қаратилган, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра **4,8 миллиард АҚШ долларига** тенг **29 та инвестициявий лойиҳалар** асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда)

25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни









## Институтдаги қурилишлар халққа хизмат қилади

Қурилиш соҳасининг кўплаб муҳим талаб ва қоидалари мавжуд. Ана шулардан бири ёнғин хавфсизлиги бўйича қоида ва тартиблар бўлиб, ҳар бир иморат қурилишида мазкур меъёрларга амал қилиш зарур ҳисобланади.

Сабаби, бу нарса энг аввало иншоот ва ундан фойдаланувчилар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги энг асосий талаблардан биридир. Шу боисдан, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига ушбу масала жиддий равишда киритилган. Шаҳарсозлик кенгашлари томонидан муҳокама учун қабул қилинаётган ҳар бир лойиҳа ҳам аввал ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган бўлиши зарур. Албатта, мазкур масала қай даражада муҳим ҳисобланса, ушбу соҳага малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам шу даражада долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олий маълумотли офицер кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Бир неча йиллар давомида Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби сифатида фаолият юритиб келган ушбу таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Ёнғин хавфсизлиги институтига айлантирилди.

(Давоми 2-бетда)

## Наманган – юрт кўркининг тимсоли

Наманганга бир йил аввал борган киши, бу йил сафар қилса, нафақат вилоятнинг бош кенти, балки унинг чекка қишлоқларини ҳам танимай қолиши мумкин. Қамчиқ довонидан тушиб, Поп йўналиши бўйлаб бурилишингиз билан ўзгаришлар кўзга яққол ташланади.

Мазкур вилоят ҳақида сўз юритганда, унинг тарихи ва жойлашиши ҳақида бироз тўхталиб ўтишни жоиз билдик. Наманган вилояти ўзининг бой ўтмиши, маданияти билан мамлакатимиздаги бошқа ҳудудлар орасида ўзига хос ўрин эгаллаб келади. Вилоят Фарғона водийсининг шимолий қисмида, асосан Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Тошкентнинг жануби-шарқида денгиз сатҳидан 476 метр баландликда жойлашган. Пойтахтдан Наманган шаҳрига етиб бориш учун 200 километрдан бироз кўпроқ йўл босиш керак. Вилоят Шимолий Чотқол ва Қурама тоғлари билан ўралган.

«Наманган» сўзи тахминларга кўра, форс тилидаги «Намак кон» сўзидан олинган бўлиб, намакли ҳудуд маъносини англатади. Наманган шаҳри Фарғона водийсининг қадимги шаҳарларидан бири ҳисобланиб, у кўчманчи чорвадорлар ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли яшайдиган чегарада вужудга келган. Наманган вилояти ҳудудида илмий изланишлар олиб борган археологларнинг таъкидлашларича, Наманагансой тош кўприги яқинида топилган ноёб топилмалар бу ҳудудда аҳоли қабиласи эрамизнинг I асрларида ҳам яшаганидан далолат беради. Маълумотларга кўра, ана шу ҳудудда кўл мавжуд бўлиб, ундан ош тузи қазиб олиниши ҳудуд номи тўғрисидаги тахминларга мос келади.

Наманган қишлоғи ҳақидаги дастлабки маълумот XIV аср охирларига мансуб. Мутафаккир шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Наманганни қишлоқ сифатида эслаб ўтган. XV аср якунигача Наманган қишлоқ сифатида таърифланган бўлса, 1610 йилга келиб, у шаҳар мақомига эга бўлади. 1620 йилда зилзиладан азият чеккан Ахсикент аҳолиси ана шу шаҳарга кўчиб ўтади.

1819 – 1821 йилларда Янгиариқ каналининг бунёд этилиши қадимги Наманганнинг ривожида катта аҳамият касб этган. Мазкур каналнинг қазилиши шаҳарнинг сув таъминотини бирмунча яхшилайди. XIX аср охирларида ҳудудда истиқомат қилаётган европаликлар эски шаҳар ёнида ўзлари учун муассаса ва турар жой бинолари қуришади. Шунинг баробарида янги шаҳар вужудга келади. XX асрнинг биринчи ўн йиллигига келиб, шаҳарда 40 дан зиёд корхоналар ташкил этилади.



Кейинги даврлар мобайнида шаҳарда енгил, озиқ-овқат, машинасозлик саноати корхоналари ва Намангансойда ГЭС қурилади.

Наманган вилоятида Бобораҳим Машраб, Исхоқхон Жунайдулла ўғли Ибрат, Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли Сўфизода каби кўплаб мутафаккирлар яшаб, ижод қилишган. Уларнинг барчаси ўз тарихи ва ўтмишига эга. Ҳозирда ҳам Наманган вилоятида яшаб, ижод қилган барча мутафаккирларга юксак ҳурмат бажо келтириб келинмоқда.

(Давоми 4-бетда)














5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 28 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) «Oloy-Invest» МЧЖ томонидан қўйилмоқда.


## Чирчикский филиал АКБ «Узпромстройбанк»

**проводит конкусный отбор по выбору проектной организации по разработке проектно-сметной документации по объекту:**

капиталный ремонт Чирчикского филиала АКБ «Узпромстройбанк», расположенного по адресу: Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Межканальная, 1.

**Предложения принимаются в запечатанных конвертах в течении 7 дней со дня опубликования, по адресу:** Ташкентского область, г. Чирчик, ул. Межканальная, 1.

**Тел.:** (70) 716-23-36. **Факс:** (71) 150-27-76.


## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 28 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Artfam-Invest» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2545-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 135 470 883,35 сўм.
2. 1-2И-2546-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 746 276,84 сўм.
3. 1-2И-2547-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 212 581,52 сўм.
4. 1-2И-2548-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 911 739,89 сўм.
5. 1-2И-2549-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 400 309,18 сўм.
6. 1-2И-2550-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 693 928,13 сўм.
7. 1-2И-2551-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 513 423,15 сўм.
8. 1-2И-2552-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 633 461,46 сўм.
9. 1-2И-2553-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 724 012,29 сўм.
10. 1-2И-2554-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 212 581,52 сўм.
11. 1-2И-2555-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 491 158,30 сўм.
12. 1-2И-2556-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 062 160,70 сўм.
13. 1-2И-2557-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 640 982,42 сўм.
14. 1-2И-2558-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 092 244,87 сўм.
15. 1-2И-2559-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 739 054,52 сўм.
16. 1-2И-2560-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 332 918,17 сўм.
17. 1-2И-2561-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 355 183,03 сўм.
18. 1-2И-2562-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1904 517,27 сўм.
19. 1-2И-2563-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 287 791,78 сўм.
20. 1-2И-2564-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 5 123 522,71 сўм.
21. 1-2И-2565-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 7 530 255,75 сўм.
22. 1-2И-2566-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 625 940,19 сўм.
23. 1-2И-2567-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 610 898,26 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Artfam-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Паркент» кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 26 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** 71- 236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 26 ноябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 27 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Biznes Azia Invest» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2397-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 991 096,60 сўм.
2. 1-2И-2398-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 991 096,60 сўм.
3. 1-2И-2399-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 430 021,40 сўм.
4. 1-2И-2400-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 991 096,60 сўм.
5. 1-2И-2401-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 601 265,88 сўм.
6. 1-2И-2402-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 890 569,24 сўм.
7. 1-2И-2403-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 086 340,60 сўм.
8. 1-2И-2404-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 553 515,80 сўм.
9. 1-2И-2405-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 619 967,00 сўм.
10. 1-2И-2406-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 850 827,80 сўм.
11. 1-2И-2407-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 072 766,20 сўм.
12. 1-2И-2408-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 822 774,04 сўм.
13. 1-2И-2409-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 010 967,32 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Biznes Azia Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ц-13 мавзеси, 30-уй, 19 хонадон.

**Тел.:** (71) 241 92 22, 241 92 99.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 26 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** 71- 236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## Поправка

В объявлении, ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» по приглашению на участие в конкурсных торгах, опубликованном в газете «O'zbekiston bunyodkori» за №83 (228) от 23 октября 2018 года, **ПРОЕКТ №УЗБ-1001**, просим читать правильно **ПРОЕКТ №УЗБ-1003**.

Утерянный гос. ордер №04-01/12585 от 28.01.1993 г. на право собственности на квартиру, выданный на имя Юнусова Рината Исмаиловича **считать не действительным.**

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 26 ноябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 28 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Oloy-Invest» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И-2522-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 950 240,35 сўм.
2. 1-2И-2523-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 318 472,93 сўм.
3. 1-2И-2524-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 836 529,63 сўм.
4. 1-2И-2525-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 243 262,67 сўм.
5. 1-2И-2526-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 672 260,26 сўм.
6. 1-2И-2527-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 387 723,01 сўм.
7. 1-2И-2528-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 452 956,48 сўм.
8. 1-2И-2529-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 957 462,97 сўм.
9. 1-2И-2530-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 017 631,30 сўм.
10. 1-2И-2531-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 21 308 802,40 сўм.
11. 1-2И-2532-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 964 685,60 сўм.
12. 1-2И-2533-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 9 230 010,81 сўм.
13. 1-2И-2534-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 640 982,42 сўм.
14. 1-2И-2535-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 566 368,85 сўм.
15. 1-2И-2536-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 956 3920,95 сўм.
16. 1-2И-2537-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 739 054,52 сўм.
17. 1-2И-2538-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 6 499 873,24 сўм.
18. 1-2И-2539-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 7 733 323,93 сўм.
19. 1-2И-2540-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 17 157 187,91 сўм.
20. 1-2И-2541-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 679 482,49 сўм.
21. 1-2И-2542-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
22. 1-2И-2543-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 941 824,05 сўм.
23. 1-2И-2544-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 483 338,99 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Oloy-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 26 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 28 ноябрь куни соат 11.30 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 43-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Коституциявий суди балансидаги 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 01 292 LBA, ранги оқ автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 32 054 000 сўм.

Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2018 йил 28 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) иш куни олдин соат 11.30 да тўхтатилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартном а асосида тўлов олинади.

Ҳурматли талабгорлар! Аукционда талабгор шахсан ўзи ёки ишончнома асосида унинг вакили қатнашади, нархлар эркин шаклланади ҳамда сотиб олиш тўловлари сотувчининг ҳисоб-рақамига банк орқали тўланади.

**«Аукциондан автомашина олиб бераман» деган шубҳали шахсларга алданиб қолманг!**

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** 71- 236-74-67. **Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## «Trans Garant Savdo» МЧЖ

### мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

АТБ «Асака» банки Бухоро шаҳар филиалининг 2018 йил 19 сентябрдаги 03/1490-сонли буюртма хатига асосан 2012 йилда ишлаб чиқарилган ГБАСНГ NEXIA SONS русумли давлат рақами 80/616 ABA бўлган автотранспорт воситаси очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 25 196 000 (йигирма беш миллион бир юз тўқсон олти минг) сўм.

Ушбу мулк бўйича савдолар 2018 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Мулк шу кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2018 йил 3, 10, 17, 24 декабрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдолар ўтказиладиган манзил:** Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

**Савдоларда иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси – «Trans Garant Savdo» МЧЖга юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза ва мулк бошланғич баҳосидан 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 2004 5209 6001 АТБ «InFinBank» Бухоро вилояти филиали МФО 01107 СТИР 303 275 676.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

закалат пули тўлангани тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжатидан нусха.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 1 (бир) кун қолганида тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:** Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

**Мўлжал:** Давлат рақобат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси биноси.

**Мурожаат учун телефон:** (90) 613 37 27.

*158 рақамли гувоҳнома.*

## Корхонани тугатиш тўғрисида эълон

**Тугатилаётган юридик шахснинг тўлиқ номи:** Хорижий инвестиция иштирокидаги «COMMUNAL SERVICES ENGINEERING GROUP» масъулияти чекланган жамият.

**Тугатилаётган юридик шахснинг қисқартирилган номи:** ХИИ «COMMUNAL SERVICES ENGINEERING GROUP» МЧЖ.

**Юридик шахснинг почта манзили:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1.

**Юридик шахснинг СТИР:** 305 224 634.

**Юридик шахснинг рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказган орган:** 2018 йил 17 январда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Давлат хизматлар маркази.

**Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар:** 2018 йил 16 октябрда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши 2-сонли баённомаси

**Тугатувчининг телефон рақами:** (998 97) 758-77-73.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан вақтдан бошлаб **икки ой муддатда** қабул қилинади.

Наманган шаҳрининг собиқ «Дўстлик» айни пайтдаги Ислом Каримов, А. Темур, А. Навоий, Бобуршоҳ, Истиқлол каби катта ва кичик кўчаларида, маданият ва истироҳат боғларида, спорт ва соғломлаштириш марказларида оламшумул бунёдкорлик ишлари бажарилди.



# Наманган – юрт кўркининг тимсоли

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Биргина мисол, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрдаги Учқўрғон туманида ўтказган учрашувида вилоятдан етишиб чиққан машҳур инсонлар ҳақида тўхталиб, XIX асрда Тўрақўрғон туманида туғилиб, ижод қилган Исҳоқхон Жунайдулла ўғли Ибратнинг ҳаёти ва фаолиятига юксак баҳо берганди. Шундай улуғ зотнинг халқимиз учун қилган буюк хизматларини бутун мамлакат миқёсида ўқиб-ўрганиш, меросини тарғиб қилиш, авлодларга етказиш зарурлиги ҳақида фикр билдирганди. Президентимизнинг таклиф ва топшириқлари ижросини таъминлаш юзасидан 2017 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида»ги 208-сонли қарори қабул қилиниб, Тўрақўрғон тумани марказида салкам икки гектарни ўз ичига олган мажмуа бунёд этилиб, улкан бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Мажмуада Исҳоқхон Ибрат номидаги боғ, унинг марказида атоқли маърифатпарвар алломанинг салобатли ҳайкали, унинг ортида ҳиёбоннинг кўркига кўрк қўшувчи ярим айлана шаклидаги миллий меъморий услубдаги айвон, ҳиёбон марказида яна бир иншоот, замонавий фаввора қад ростлади. Булардан ташқари, Косонсой сойининг «Исҳоқхон Ибрат мажмуаси» ҳудудидан ўтган қисми қирғоқларини бетонлаштириш ва мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, мажмуа ҳудудида собиқ «Ғойибназар қози» мадрасаси қайта қурилиб, мазкур бинода «Исҳоқхон Тўра Ибрат» музейи фаолият кўрсата бошлади. Ёдгорлик мажмуасида янги барпо этилган чет тилларга ихтисослаштирилган 400 ўқув ўринли мактаб ҳам фаолият олиб бормоқда.

Йилдан йил кўркамлашиб, обод бўлиб бораётган Наманган вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ана шундай бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

## ОҚТОШНИНГ ОЙДИН ОҚШОМЛАРИ ОЛДИНДА

Оқтош шаҳарчаси нафақат Тўрақўрғон тумани, балки Наманган вилоятида алоҳида мавқе ва нуфузга эга бўлган аҳоли масканларидан бири ҳисобланади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Оқтош қишлоғи азалдан Буюк ипак йўлида жойлашгани боис, бундан роппа-роса бир асрча муқаддам қишлоқ ҳудудидан темир йўл тизими ўтган эди. Тарихдан маълум, темир йўл атрофида жойлашган аҳоли масканлари бошқа қишлоқларга нисбатан, айниқса, Оқтошдек жойлар ҳар тарафлама тез ривожланиб, тараққий топган. Бироқ, ўтиш даврининг турли иқтисодий-ижтимоий муаммолари, айниқса, темир йўл орқали турли юк ҳамда йўловчи ташувчи поездлар қатновларининг маълум муддатга издан чиқиши, ўз навбатида, Оқтош қишлоғининг инфратузилмасига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Натижада Оқтош қишлоғи ҳудудида жойлашган қурилиш ва саноат корхоналари, товар-моддий бойлик омборхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи катта-кичик ишхоналар аста-секин ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Кўпчиликнинг эътиборидаги қишлоқдан файз кўтарилиб, бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш тарзи ҳам замон талабларидан орқада қолаётган эди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган Жиззах вилоятининг «Манас» қишлоғидаги улкан ўзгаришларни телевизор орқали кўриб, манасликларга ҳавас қилаётган эдик, – дейди «Оқтош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валижон Саттаров. – Чунки 3 168 нафар аҳоли истиқомат қилаётган қишлоғимизнинг умумий ҳолати, айниқса, 102 хонадонга мўлжалланган 6 та кўп қаватли турар-жойларнинг ташқи ва ички тарафлари замон талабларига умуман жавоб бермай қолган эди. Натижада ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилмалар барпо этиш авж олиб, ҳар ким кўнгли тусаган жойга молхона, тандирхона, ҳожатхона қуриб, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибатга ҳам дарз кетаётган эди.

Шукрки, буларнинг барчасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари барҳам бераётир. Фикримизни Оқтош шаҳарчасида қисқа вақт ичида бажарилган улкан қурилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари исбот этади. Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 651 та хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг 450 таси таъмирталаб эди. Вилоят хокимининг бевосита эътибори билан шаҳарча улкан қурилиш майдонига айлантирилиб, хусусан 6 та кўп қаватли уй-жой атрофига ўзбошимчалик билан қурилган замонавий архитектура талабларига жавоб бермайдиган 38 та бино ва иншоотлар, 11 та ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари, 13 та ўзбошимчалик билан барпо этилган қурилмалар бузиб ташланди. Улар ўрнида 2 та болалар майдончаси, битта спорт ва соғломлаштириш маркази, бир нечта тандирлардан иборат тандирхона, 2 та ҳожатхона ва бошқа зарурий иншоотлар бунёд этилди. Бундан ташқари, «Пром Страген» МЧЖ томонидан 61-умутаълим мактабида 510 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. Наманган вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси буюртмасига кўра 6-мактабгача таълим муассасаси учун барпо этилаётган янги бинода бош пудратчи «Челси қурилиш дизайн» МЧЖ томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, Оқтош шаҳарчасида «Обод қишлоқ» дастури ижроси юзасидан улкан бунёдкорлик ишлари бажарилганини у ерга борган киши англаши мушкул эмас. Шаҳарчада электр таъминотини яхшилаш мақсадида 7 дона трансформатор пункти, 2,5 километр узунликдаги 0,4-6-10 кВ тармоқлар мукаммал таъмирлаш режага киритилиб, бу борадаги ишлар ўз ниҳояситга етказилди. Аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Қишлоқичимликсув» масъулияти чекланган жамияти балансидаги 2 та сув қудуқ иншоотларини таъмирлаш бўйича ҳам бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 16 та 2 сотихли 2 ва 3 хонадонли намунавий лойиҳалар асосида турар жойлар бунёд этилмоқда.

– Мамлакатимиз Президентининг «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятимиз бўйича даставвал 22 та маҳалла фуқаролар йиғинларида улкан бунёдкорлик ишларини бажариш кўзда тутилган эди, – дейди бизга ҳамроҳлик қилган вилоят ҳокимлигининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари котибияти етакчи мутахассиси Баҳодир Дадабоев. – Муҳтарам Юртбошимизнинг шу йил 2-3 май кунларида вилоятимизга қилган ташрифлари чоғида берган кўрсатма ва топшириқларига асосан яна 11 та, жами 33 та маҳалла фуқаролар йиғинларида улкан бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш белгилаб олинди. Дастур доирасидаги улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишларига жами 243,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган бўлиб, хусусан барча ободонлаштирилиши лозим бўлган қишлоқлар бош режаси бўйича маҳалла марказлари, хиёбонлар, маданий-ҳордиқ марказлари ва маданий тадбирлар ўтказиладиган майдонларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилди. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда жами 55 та ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва атроф-ҳудудни ободонлаштириш, жумладан, дастурга асосан 19 та мактабгача таълим муассасаси, 23 та умумтаълим мактаби, 13 та соғлиқни сақлаш муассасасида бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида 7 306 та ҳовли уйлари ва 27 та кўп қаватли турар-жой биноларида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, бу борадаги бунёдкорлик ишлари ўз ниҳоясига етказилмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминотига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясининг қурилишини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари темир йўл атрофида жойлашган катта ва кичик қишлоқ аҳолисининг турмуш фаравонлиги ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз темир йўл тармоғини модернизация қилиш, арзон ва хавфсиз транспорт хизмати кўрсатиш йўлида изчил ишлар амалга оширилаётгани, Фарғона водийси шаҳарлари орасида электричка поездларининг ҳаракатланиши йўлга қўйилаётгани, жумладан, Поп, Наманган, Андижон шаҳарлари ўртасидаги темир йўллар тизими ҳам электрлаштирилаётгани, улкан бунёдкорлик ишларига давлат бюджетидан 177,45 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг йўналтирилгани, темир йўл атрофида жойлашган Оқтош каби қишлоқларнинг ҳар тарафлама ривожланиб, гуллаб-яшнашига хизмат қилади.




















## ОСМОНЎПАР БИНОЛАР ХАЛҚ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Наманган шаҳри азал-азалдан ҳунармандчилик маркази ҳисобланиб, у ерда кулоллар, тикувчилар, тўқувчилар, мисгарлар, темирчилар, заргарлар каби кўплаб ҳунар эгалари истиқомат қилишган. Бу ерда боғдорчилик, ипакчилик ривожланган.

Наманган – гуллар шаҳри. Бу ерда 50 йилдирки, анъанавий гул байрами ўтказиб келинади. Мустақиллик йилларида шаҳардаги барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз берди. Аввало, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги турар жой бинолари, иншоотлар қуриш, коммуникация инфратузилмаларини тубдан реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга, шаҳарнинг ички йўлларини замон талабларига мос равишда реконструкция қилиниши, Ислом Каримов, «Марғилон», Алишер Навоий, Амир Темур, «Уйчи» каби кўчаларнинг кенгайтирилиши аҳолини беҳад қувонтирди. Вилоятнинг халқаро аэропорти биноси қайта капитал таъмирланиб, жаҳон андозаларига мос равишда қайта қурилди. Ҳозирда Наманган аэроропорти ҳар қандай русумдаги замонавий ҳаво лайнерларини қабул қилиш имкониятига эга.

Наманган шаҳрининг ҳудуди 2016 йилгача 101,5 квадрат километрни ташкил этган бўлса, Наманган, Уйчи ва Янгиқўрғон туманлари ҳудудларидан бир қисми шаҳар тасарруфига ўтказилиши эвазига 145 квадрат километрга етди.

Сўнгги икки йил давомида шаҳарда бунёдкорлик ишлари янада жадаллашди. Янгитдан таъмирдан чиққан йўллар четида замонавий архитектура дизайнига эга янги турар жой бинолари, муҳташам меҳмонхоналар, савдо марказлари ва бошқа иншоотлар қурилди. Муҳтарам Президентимиз томонидан юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ҳаракатлар Стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича шаҳарда амалга оширилган ишлар талайгина. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминланиши, аҳоли саломатлигини тиклаши учун бир қанча шифохоналарнинг очилиши бунга мисол бўлаолади.

«Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғини Наманган шаҳрининг чекка ҳудудларидан бўлиб, мазкур аҳоли масканига 1979 йили асос солинган эди. Айни пайтда бу ерда 525 хонадонда жами 2 354 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг маълум бир қисми 8 та кўп қаватли, кўпчилиги эса якка тартибдаги хонадонларда истиқомат қилишади.

Вилоят хокимлиги томонидан мазкур аҳоли масканида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида»ги қарори доирасида улкан бунёдкорлик ишларини бажариш белгиланди. Бунинг боиси, бир пайтлар бунёд этилган 8 та кўп қаватли турар-жой биноларининг ташқи ва ички тарафлари тўла-тўкис абгор ҳолатга келган, ёритиш ва иситиш тизимлари ишдан чиққан, ер тўла қисмлари захлаб кетганди. Бу каби камчиликлар етмаганидек тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминотидаги узлишлар, айниқса, ички хўжалик йўлларидаги нотекисликлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Айни пайтда гуллар шаҳрининг «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган киши бу ердаги улкан қурилиш, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Аввало, бир пайтлари бунёд этилган 8 та кўп қаватли турар-жой биноларининг том, фасад ва ертўлалари таъмирлангани, якка тартибдаги хонадонлар ҳам таъмирланиб, ободонлаштирилгани, тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ ҳамда ички хўжалик йўлларидаги камчиликлар бартараф этилаётгани яққол кўзга ташланади.

Қолаверса, ижтимоий соҳа объектлари бўйича, яъни 54-сонли умумтаълим мактабидаги мукаммал таъмирлаш, 2 та мактабгача таълим муассасасини янгидан бунёд этиш ҳамда 5-сонли оила поликлиникасининг филиалини реконструкция қилиш ишларига 10 миллиард сўм йўналтирилгани эътиборга моликдир. Масаланинг муҳим жиҳати мазкур ҳудудда «Юксалиш» кичик саноат зонаси» ташкил этилаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон, кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, жорий йилнинг ўзида 14 та 7 қаватли жами 588 хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилгани қувонарли ҳол, албатта.

Қурилиш-монтаж ишларида Исоқжон Солиев раҳбарлигидаги «Янгиқўрғон сервис қурувчи», Собиржон Абдуазизов бошчилигидаги «Дегрез савдо саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари бош пудратчи сифатида фаолият кўрсатишмоқда. Уларга «Сардор Арслонбек транс», «Муҳаммадсаид савдо қурилиш», «Жаҳон қурилиш таъмирлаш» «Ровустон бетон», «Калисто сервис» каби қурилиш корхоналари яқиндан кўмак бериб, бунёдкорлик ишларига 1 000 нафардан ортиқ ишчилар жалб этилган. Бу борадаги бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилиб, замонавий кўп қаватли уй-жойлар учун янги ер участкалари ажратилгани, ер ва бетонлаштириш ишлари бошлаб юборилгани, ҳатто айрим турар жой биноларининг биринчи, иккинчи, учинчи қаватларидаги ғишт териш ишларининг ажв олдирилгани эса «Юксалиш» аҳоли масканининг келажаги янада порлоқлигидан далолат беради..

Бугунги кунда нафақат «Юксалиш», балки Наманган шаҳрининг барча маҳалла ва мавзеларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани киши ҳайратини оширади. Айни пайтда шаҳарнинг турли мавзе ва ҳудудларида жами 618 та кўп қаватли турар жой бинолари бўлиб, шундан 88 таси Мустақиллик йиллари даврида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган. Бунинг натижасида шаҳар ўзининг эски қиёфасини батамом ўзгартириб, озод юртимизнинг обод гўшалардан бирига айланди. Бунда мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан имзоланган 2009 йил 6 августдаги «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратулилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори дастурамал бўлиб хизмат қилди, десак айни муддао бўлади. Чунки мазкур қарор ижроси бўйича Наманган шаҳрининг собиқ «Дўстлик» айни пайтдаги Ислом Каримов, А. Темур, А. Навоий, Бобуршоҳ, Истиқлол каби катта ва кичик кўчаларида, маданият ва истироҳат боғларида, спорт ва соғломлаштириш марказларида оламшумул бунёдкорлик ишлари бажарилди. Айни пайтда улкан яратувчанлик ишларини янги босқичда изчил давом эттирилаётгани, қуйидаги рақамларда ўзида ифодасини топади. Ўтган 2017 йили шаҳарнинг турли ҳудудларида жами 22 та кўп қаватли турар-жой бинолари бунёд этилиб, жами 868 та хонадон эгалари янги уй соҳиби бўлдилар. Жорий йилда ҳам бу кўрсаткич бўйича муайян ишлар режалаштирилиб, жумладан, Наманган шаҳрининг Ислом Каримов, Амир Темур, «Уйчи», Алишер Навоий, «Ҳамроҳ» кўчаларида бири-биридан гўзал, замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари бунёд этилмоқда. Жумладан, «Уйчи» кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари киши диққатини ўзига тортади.

– «Уйчи» кўчасининг ғишт ва тахта кўприклари оралиғидаги 2,2 километрлик масофадаги автомобиль йўлида тўлатўкис реконструкция ишлари бажарилиб, равонлаштирилди, – дейди Наманган шаҳар ҳокимлиги етакчи мутахассиси Абдулло Эминжонов. – Йўлнинг ҳар икки тарафидаги пана-пастқам уй-жойлар бузилиб, улар ўрнида ўтган йили 15 та кўп қаватли турар-жойлар қад ростлаган эди. Жорий йилда ҳам бу борадаги бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, яна 15 та замонавий турар-жойлар барпо этилмоқда. Мазкур турар-жой биноларининг биринчи қаватида турли савдо ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият олиб боради.

Ҳа, гуллар шаҳри Наманган йилдан-йилга чирой очиб, озод ва обод мамлакатимизнинг гўзал чаманзорларидан бирига айланиб бормоқда. Улкан бунёдкорлик, яратувчанлик нафақат вилоят маркази, балки унинг ҳар бир чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилаётгани, вилоят аҳлининг эртанги порлоқ кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото),**
**«O'zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбирлари.**
**Тошкент – Наманган – Тошкент.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1007.
2349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Ш. Хўжаев.
ЎзА якуни – 23.10. Топширилди – 00.05.